

Кобулда Навоий ва Бобурга эҳтиром кўрсатилди



21:22 / 09.02.2025 1204

Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва маданий меросига бағишланган тадбир ўтказилди, дея хабар берган маҳаллий "Bakhtarnews" ахборот агентлиги.

Анжуманда ушбу қўшни давлатнинг ахборот, маданият ва санъат вазири Мулавий Атиқуллоҳ Азизий, мамлакатимизнинг Кобулдаги элчиси Ойбек Усмонов, шунингдек кўплаб адиллар, ёшлар иштирок [этди](#).

Иштирокчилар Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги бой, теран ва муштарак маданий меросни асраб-авайлаш, илм-фан, адабиёт, фалсафа ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида ҳамкорликда фаол

иш олиб борилаётганини таъкидладилар.

Зиёлилар, шоир-ёзувчилар икки бетакрор сиймонинг ижодий, илмий ва маданий фаолиятига оид фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Муҳаррама Пирматова, ЎзА